Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 24 (8264). | 3 февраль, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

МАРТ 4 ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

УЛАРНИНГ НОМИНИ ХАЛҚ ТИЛГА ОЛДИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишни давом эттирмоқда.

Ленинграднинг Виборг сайлов округидаги округ сайлов комиссияси «Светлана» электроприборсозлик бирлашмасининг бригадири **Алевтина Викторовна Шелудякованы** СССР Олий Совети Иттифоқ Советига депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Тоғли Олтой сайлов округининг округ сайлов комиссияси мажлисида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Ишлар мудири **Николай Ефимович Кручина** номзоди тилга олинди.

Краснодарда Ленин сайлов округининг округ сайлов комиссияси Седин номидаги завод механика цехининг фрезерчиси **Алексей Максимович Карабутни** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Приморье ўлкасидаги Артемов сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиниб округ сайлов комиссиясининг мажлисида Хрустальний кон бойитиш комбинатининг проходкачилар бригадири **Александр Кириллович Куприянов** рўйхатга олинди.

Ставрополь ўлкасидаги Минеральние води сайлов округининг округ сайлов комиссияси мажлисида В. И. Ленин номидаги Георгиевск арматура заводининг стерженчиси **Елена Николаевна Еремининни** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул этилди.

Ростов-Дондаги СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Ленин сайлов округининг округ сайлов комиссияси Ростов шаҳарлараро телефон станциясининг телефонисти **Евгения Александровна Говорухинани** депутатликка номзод этиб рўйхатга олди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлисида Качканар кон бойитиш комбинатининг агломератчиси **Николай Викторович Оленев** Свердловск область Кушвин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

«Правда» газетасининг бош редактори **Виктор Григорьевич Афанасьев** Ульяновск сайлов округининг округ сайлов комиссияси томонидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Саранск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига Саранскдаги ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги «Центролит» заводининг ишчиси **Анастасия Васильевна Усанова** рўйхатга олинди.

Лисичанск сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига «Ворошиловградхимстрой» комбинати Рубежанский «Отделстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бошқармасининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Мария Павловна Калюжная** номзоди рўйхатга олинди.

Наманган область Чуст районидаги Гагарин номли боғдорчилик совхозининг ишчиси **Малика Аҳмадалиевна Достонова** округ сайлов комиссиясининг мажлисида Чуст сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Чордара сайлов округининг округ сайлов комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Чимкент областидаги «Октябрь 30 йиллиги» совхозининг механизатори **Несибели Раҳматуллаевна Маҳанова** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Грузия ССРдаги Чиатури сайлов округининг округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб «Чиатурмарганец» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленин номли кон бошқармасининг проходкачиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Григорий Абелович Ткемаладзени** рўйхатга олди.

Литва ССР Пасваль районидаги «Павасарис» колхозининг сут соғувчиси **Альдона—Котрина Симовна Наужюлене** Виржоай сайлов округидан округ сайлов комиссиясининг мажлисида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Молдавия ССРдаги Тирасполь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиниб округ сайлов комиссияси томонидан С. М. Киров номидаги Тирасполь қуюв машиналари заводининг директори **Анатолий Иванович Большаков** рўйхатга олинди.

Округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига Огре сайлов округидан Латвия ССР Огре районидаги «Лачплесис» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Игнат Эдуардович Спила** номзодини рўйхатга олди.

КПСС Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудири **Клавдий Михайлович Боголюбов** округ сайлов комиссиясининг мажлисида Иссиқкўл сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Аламудин сайлов округининг округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига Стрельникова номидаги Қирғизистон давлат наслчилик заводининг сут соғувчиси **Татьяна Федоровна Атяшкина** номзодини рўйхатга олди.

Ереван—Совет сайлов округининг округ сайлов комиссияси мажлисида «Ерпромстрой» трестининг 31-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Гриша Саркисович Маркарян** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Чоржўй сайлов округида округ сайлов комиссияси «АН-2» самолётининг командири **Норқули Сандович** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олишга қарор қилди.

(ТАСС).

ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

Ўзбекистонда СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодларни рўйхатга олишни давом эттирмоқдалар.

590-Чортоқ сайлов округида округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Оқил Умурзоқович Салимов**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

595-Самарқанд Қишлоқ сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлисида Самарқанд районидаги «Боғизағон» совхози тракторчиси **Тоштемир Зиёев** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

579-Избоскан сайлов округи округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Нормаҳонмади Жўраевич Худойбердиев**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

584-Жиззах сайлов округи округ сайлов комиссияси мажлисида «Джизакстрой» бирлашмасининг 258-кўчма механизациялашган колоннаси бригадири **Тиркаш Маматқулов** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

586-Қарши сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Виктор Константинович Михайлов**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 105-Навоий сайлов округи округ сайлов комиссияси Конимех райони «Маданият» совхози бош чўпони **Туран Қистовбоев**ни депутатликка номзод қилиб рўйхатга олди.

597-Термиз сайлов округи округ сайлов комиссияси мажлисида Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали **Юрий Павлович Максимов** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

СССР ташқи савдо министри **Николай Семёнович Патоличев** 603-Тошкент—Чилонзор сайлов округи округ сайлов комиссияси мажлисида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

596-Денов сайлов округида округ сайлов комиссияси СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод Сурхондарё область Денов районидаги Ульянов номли колхоз аъзоси **Қундуз Ҳайитбоева**ни рўйхатга олди.

612-Фарғона сайлов округида округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Тимофей Николаевич Осетров**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Мирзамаҳмуд Мирзарахмонович Мусахонов** 606-Калинин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Хоразм область Шовот районидаги Ленинград колхозининг звено бошлиғи **Ровя Эгамовна Раматова** округ сайлов комиссияси мажлисида 126-Урганч сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

567-Ленинобод сайлов округи округ сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Нанма Маҳмудовна Маҳмудова** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЎҒИТ ЧИҚАРИЛМОҚДА

● ЎТГАН ЙИЛИ мавжуд 1325 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 37,5 центнердан пахта ҳосили олган Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари бу йил 40 центнерлик марра учун курашишмоқда.

Айни кунларда деҳқонлар мўл ҳосил учун пахта замин тайёрлашяпти. Ҳар гектар ер ҳисобига 10—15 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Бу ишга махсус механизаторлар бригадаси жалб этилган бўлиб, уларнинг ихтиёрига 20 та трактор прицепи ажратиб берилган. Механизаторлардан Эркин Бойбеков, Жўра Хаитов, Убай Дундиев, Расм Асланов ва Нурмат Толиповлар кунига далага 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқаришмоқда. Хўжаликда шу кунгача 4 минг тоннадан зиёд ўғит далаларга солинди.

В. БОБОХОНОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ УЧУН

● ПАРКЕНТ районидаги Калинин номли совхоз меҳнаткашлари қиш фаслини иш фаслига айлантириб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача хўжаликнинг токзор, тутзор ва мева боғлари сифатли қилиб ҳайдалди. Турли касалликларга, ҳашаротларга қарши дориланди. Ҳозир боғбонлар мевазор ва токзорларни яхоб сувига қондиришмоқда.

Булардан ташқари совхоз ишчилари баҳорда ғалла ва маккажўхори экиладиган майдонларни маҳаллий ўғитга тўйдириш чораларини кўришяпти. Ҳозиргача далаларга 1500 тоннадан зиёд ўғит ташиб чиқарилди. Механизаторлардан Ўктам Пўлатов, Суннат Инобатов, Шолдор Юсуфбоев, Саттор Файзиев ва Фахриддин Рўзибоевлар кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

М. МИРКАМОЛОВ.

10 МИЛЛИОН ТУП БЎЛАДИ

● КАРИМ Эгамбердиев етакчилик қилаётган теплица хўжалиги коллективи ҳар йили Калинин районидаги «Москва» совхози далаларига экиш учун кўплаб сифатли карам ва помидор кўчатлари етиштириб бераяпти. Бу йил теплицада 10 миллион тупдан зиёд кўчат тайёрланади. Айни кунларда иссиқхоналарда парваришланаётган кўчатлар сифатли расад қилинди. Шу кунгача беш миллион нихол яйратиб ўтказилди. Бу ишларни бажаришда Убайдулла Гулмонов, Васила Соттонова, Уринбой Нуъмонов, Ўрозали Хонаазаров ва Миразиз Мирзаахмедовлар алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти.

И. ҚОСИМОВ.

ХАЛҚЛАРНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари тинчлик тақдири учун ғоят ташвишланиш туйғулари билан ўйғрилгандир. Барча совет кишилари ва аминманки, Ер юзидаги бутун тараққийпарвар жамоатчилик ҳам ана шундай ташвишланмоқдалар.

Совет Иттифоқининг тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган конкрет таклифлари ва ташаббуслари яна бир карра эслатиб ўтилди. Халқимиз ўтган урушнинг бутун даҳшатларини бошидан кечирди. Мен ҳам кўпгина қийинчиликлар кўрдим. Медицина-санитария батальони бошлиғи сифатида кўп километрлаб фронт йўлларини босиб ўтдим. Оғир жароҳатланган жангчиларни қутқара туриб қанчадан қанча тунларни бедор ўтказдик. Ўртоқларимиз кўз олдимизда ҳалок бўлган вақтлар ҳам бўлди. Шу боисдан совет кишилари яна уруш гирдобига гирифтор бўлишни истамайдилар.

Америка милитаристларининг халқларга кўпдан-кўп кулфатлар келтириб чиқариш йўлидаги ҳаракатлари совет кишиларини ниҳоятда ташвишга солмоқда. Бу ҳаракатлар давлатларнинг тинч-тотув яшаш асосларига путур етказади, халқаро ҳамкорликнинг олижаноб ғояларини камситади.

Биз мусаффо осмон тарафдоримиз. Шу боисдан ядро фалокатининг олдини олиш учун, ўзимизнинг ва иттифоқчиларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қиламиз.

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги ўлка медицина институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофотининг лауреати.

ПЛАНЕТАДА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШАЙЛИК

Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, янги уруш хавфини тугатиш учун мумкин бўлган бутун куч-ғайратни сарфлаётган бир пайтда АҚШ бошлиқ НАТО блоки ҳарбий устунликка эришиб олишни ва халқларга ўзининг шартларини ўтказиш учун бунга тамоман қарамақарши мақсадларни кўзлаётганлиги соғлом фикрли ҳар бир кишига мутлақо равшан. Бунга йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳаддидан ошган милитаристларни жиловлаб қўйиш зарурлиги, ажал келтирувчи қурол-яроғларни қисқартириш ва тугатишга эришиш зарурлиги ҳам ғоят равшандир. Юрий Владимирович Андропов «Правда» газетасининг саволларига берган жавобларида шулар ҳақида гапирди, миллион-миллион кишилар бу гапларни қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатимизнинг ҳар бир граждани КПСС ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини тамомила қўллаб-қувватлаб, ўзининг севимли Ватани қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги шавкатли меҳнати тинч келажак гарови эканлигини тушунади. Ҳозир маданият арбоблари учун кишиларни янги қаҳрамонона зафарларга, илҳомлантириш, ғарб пропагандасининг сохтакорликларини фош этиш, ҳар бир киши онгида юксак коммунистик идеалларни қарор топтиришдан ҳам муҳимроқ ва долзарброқ вазифа йўқ. Планетада тинчлик учун кураш кўпгина ҳамкасбларим каби менинг ҳам кейинги пайтларда ёзган ва ёзаётган асарларим мавзуидир.

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

УМУМИЙ МАНФААТНИ КЎЗЛАБ

Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари барча совет қишилари томонидан қатта қизиқиш билан кутиб олинди. Зотан, унда Совет Иттифоқининг Оқ уй сиёсатига нисбатан тутган позицияси аниқ ва равшан ифодалаб берилган.

Кейинги пайтларда Америка президенти Р. Рейган гўёки Совет Иттифоқи билан тўхтатиб қўйилган музокараларни яна бошлашга, жумладан Женевага қайтишга тайёр эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Лекин бу ҳам шунчаки, бирор конкрет масалани ҳал қилмайдиган музокаралар бўлиб қолишини ҳеч ким истамайди.

Ю. В. Андропов «Правда» газетаси саволларига берган жавобларида «Мулоқот шунчаки бир мулоқот олиб бориш учунгина ўтказилиши керак эмас. У конкрет шартномаларга эришишга қаратилган бўлиши лозим» деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Афсуски, Америка президенти ана шундай шартномалар тузилишига эришишга ҳаракат қилмаяпти, чоғи. Акс ҳолда бу таклифни киритаётган президент янги қуроллари — космосда ўйлошга қарши ишлатиладиган қуроллари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишини қандай тушуниш мумкин. Бу инсоният учун янги ҳалокат хавфини яратиб бериш эмасми?

Лекин кучга маҳлиё бўлмай, қуруқ сафсата ўрнига аниқ мақсадларга эришиш йўлидан бориб Женева музокаралари тиқланишига Оқ уй маъмурияти кириша ҳар икки томон учун фойдали бўлиши муқаррар.

Абдурашид РАЖАБОВ,
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта тозалаш заводининг ишчиси.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти область ва район партия комитетлари қошидаги филиаллар ҳамда колхоз, совхозлар музейлариаро 1983 йил социалистик мусобақасига якун ясалди.

Институтнинг Тошкент область партия комитети ҳузуридаги филиали мусобақа ғолиби деб топилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Т. Турсунов институт Советининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти филиали Советининг раиси, Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаева институт Советининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Шунингдек, институтнинг Тошкент район партия комитети ҳузуридаги филиали (район филиали Советининг раиси, район партия комитетининг секретари Х. С. Сайдалиева) институт Советининг «Энг яхши райфилиал» вимпели билан мукофотланди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг музейи (музей раҳбари Ш. Бекматов, колхоз партия ташкилотининг секретари — институтга ҳамкор группа раиси Қ. Қоражонов) республика конкурсида иккинчи ўринни эгаллади.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар

ИШОНЧ

Фикрет Сефершаев йиғилишдан жуда тўлқинланиб қайтди. Уни — оддий пахтакорни СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишди. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси унинг ҳақида кўп илиқ гапларни айтишди. Бу гапларнинг мағзини бир-бир чақиб бораркан, хаёлидан ўша болалик кунлари ўтди.

Ким эди-ю, ким бўлди. Бунинг учун у етти ёт бегона бўлиб, оғир дамларда пешонасини силаган, уйидан жой кўрсатган, бир майизни ҳам бўлиб еган, уни ҳаёт сўқмоқларидан етаклаган одамлар — Бекайдар ака, Раҳима ая, Исмадиёр ака, Ҳадича ая... қаршисида гавдаланаверарди.

Ўша яхши одамларни эслаб, туни билан уйқуси келмади. Ҳаёллар уни ўз оғушига олганди.

Фикрет ўн бир ёшида ҳам отасидан, ҳам онасидан жудо бўлди. Оилада опалари Фотима, Нажия билан уч кишги бўзлаб қолишди. Оҳ, оғир кунлар эди ўшанда, оғир кунлар. Уруш тугаганига бир йил бўлган. Ҳамон далада одам етишмас, Фикрет ҳам мактабдан кейин опаларига эргашиб пахта теримига чиқарди. Далада катта қозон осиларди. Ишга чиққан киши шу қозондан баҳам кўришга ҳақли эди.

Пахта ҳам йиғиб-териб бўлинди. Совуқ кунлар бошланди. Далада болаларга қиладиган иш деярли қолмаган. Фикрет қўшни «Коммунизм» колхози билан чегарадош, кўпроқ қўй боқиладиган баланд-пастлик ерларда юрибди. Отаси марҳум Сефершa ака кенгликларни севарди. Баъзан-баъзан кичик Фикретни қўлидан ушлаб, шу томонларни айланиб келарди. Шу туфайли бу қирлар унга азиз бўлиб қолганми, адирга бориб турар, сурувни томоша қиларди. Бир куни тепаликдан сакраб чиққан қўзичоқ унинг шундоққина ёнида ўйноқлай бошлади. Болакай ўнинг бошлари, бўйинларидан силаб, эркалади. Шу пайт яқиндан оёқ товуши эшитилди. Тепалик ортидан таёқ кўринди. Фикрет билдики, кимдир бу томон одимлаяпти. Чўпон қўзичоқнинг тепаликдан ошганини кўрган шекилли, қидириб келаётган эди. У 60 ёшлар чамасидаги чўпон Бекайдар ака эди.

— Бу ерда нима қиляпсан,— деди чўпон жаҳл аралаш.

Бола қўрқиб нима деярини билмай, ранги оқарганча жим қолди.

— Кимнинг боласисан?

Фикрет яна ерга қаради.

— Сендан сўраяпман!—

— Сеферша аканинг,—унсизгина деди у.

Бекайдар аканинг товуши майин тортди.

— Қани, бери кел-чи, ўғлим.

Фикрет қўрқибгина унга яқинлашди.

— Ўйда ким билан турибсизлар,— анчайин юмшаб сўради чўпон.

— Опаларим, мен.

— Бугун нима единг?

— Раис кеча тўрт қадоқ ун бердирворган.

— Немис янчилди, энди яхши кунлар келади.— Чўпон шундай деб хўрсиниб қўйди ва боланинг бошидан меҳрибонлик билан силади.

— Сен-чи бўталоғим, ҳўв анови қўйларни қайтариб келгин, мен бу томондан бораман. Кеч бўляпти, қўйларни қўрага ҳайдаймиз. Ҳали замон йиғиш қийин бўлади...

— Баракалла, ўғлим, сурув ҳайдашга уста экансан.

Бекайдар ака Фикретни овулга етаклади.

Шу-шу бола ўша кеч куз кунлари далада иш бўлмаса Бекайдар аканинг сурувини боқишга ёрдам бериб юрарди. Бекайдар ака уни зўр чўпон деб мақтарди. Фикрет энди билса, чўпонга унинг ёрдами керак эмас экан. Отаонадан вақтли айрилган, ночор оиланинг бир аъзоси қорнини тўйдириш учун қилаётган иш ишларни. (У кишининг уч фарзанди бўлиб боланинг меҳнатига муҳтожлик жойи йўқ эди асло).

Ўша кунлар ҳамон кечагидек эсида. Қиш қиличини ялангочлаган кунлар. Оқшом сурувни қўрага қамашгач Бекайдар ака Фикретни етаклаб унинг уйига борди. Кичкина зах хона ачимсиқ ҳидга тўлган. Танчага солинган ҳўл ўтин кўзни ачитиб буруксийди. Чўпон ота ўчтўрт йўталиб, танчанинг бир чеккасига чўкди.

— Фикрет менга ўғил бўлди.

У шундай деб болани қучоқлаб елкаси аралаш ўзига тортди. Кутилмаган гапдан опаларининг кўзлари катта очилиб, ҳайратдан жим қолишди. Худди укаларини бу одам тортиб олаётгандек, кўзларига аллақандай даҳшатли кўриниб кетди. Бекайдар ака буни дарров сезди-ю, гапни улаб юборди:

— Демак, сизлар ҳам фарзандим бўласизлар, Раҳима аяларинг пойлаб ўтирибди.

Фикретлар оиласи Бекайдар аканикига кўчиб ўтгач, уч фарзанд олти нафарга айланди. Чўпон хонадони Фикретларни бир йилгача оқ ювиб, оқ таради. Сўнгра янгаси — Ҳадича ая уларни қўярда қўймай ўз уйига олиб кетди.

Фикрет еттинчи синфни битиргач колхозда кетмончилик қила бошлади. Ғўза чопиғи энг қизиган кунлардан бири эди. Колхоз ҳосилоти Тўлаган Аҳмедов уни бир чеккага чақирди:

— Кетмонни ҳамма ураверади, сен юк машинаси шоферига ёрдамчи бўласан. Юк ортасан, туширасан. Орада машина ҳайдашни ўрганиб олсанг, ҳунар орттирасан, нонинг бутун бўлади.

Оғир, ҳар бир гапни етти ўлчаб бир кесиб айтадиган одамнинг гапи болага маъқул тушди. Бир йилча шофёрга ёрдамчи бўлиб юрди. Кейинги йил колхоз иккита яп-янги «полуторка» олди. Бирини Фикрет Сефершаевга беришди.

Орадан икки йилча вақт ўтди. Кунларнинг бирида шофёрлик қилиб юрган йигит раисга ўз қарорини айтди.

— Пахта ишига ўтсам дейман, раис бобо.

— Яхши, ер берамиз,— деди раис Исмадиёр Аҳмедов. Кимлар билан ишламоқчисан, қўшиб қўйди у.

— Оилавий ишласак дейман. Олти киши бўламиз.

1959 йили Фикрет Сефершаев бошлиқ бригада 22 гектар ерда деҳқончилик қилди. Исмадиёр Аҳмедов эса маслаҳатини аямади. Бўш вақти бўлди дегунча ўшандаёқ янгича услубда ишлаётган бригадани бир айланиб келади. Биринчи йили колхоз иккита яп-янги «полуторка» олди. Бирини Фикрет Сефершаевга беришди.

Орадан икки йилча вақт ўтди. Кунларнинг бирида шофёрлик қилиб юрган йигит раисга ўз қарорини айтди.

— Пахта ишига ўтсам дейман, раис бобо.

— Яхши, ер берамиз,— деди раис Исмадиёр Аҳмедов. Кимлар билан ишламоқчисан, қўшиб қўйди у.

— Оилавий ишласак дейман. Олти киши бўламиз.

1959 йили Фикрет Сефершаев бошлиқ бригада 22 гектар ерда деҳқончилик қилди. Исмадиёр Аҳмедов эса маслаҳатини аямади. Бўш вақти бўлди дегунча ўшандаёқ янгича услубда ишлаётган бригадани бир айланиб келади. Биринчи йили колхоз иккита яп-янги «полуторка» олди. Бирини Фикрет Сефершаев бошлиқ бригада колхозда рекорд ҳосил — гектаридан 49 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Янги усул — бригада пудрати шарофати билан 12 минг сўм дан кўп меҳнат ҳақи чиқди. Кейинги йил экин майдони икки бараварга кўпайтирилиб, гектаридан 17 центнердан хирмон кўтарилди. Бундай юқори ҳосил ер 100 ва ундан ортиқ гектарни ташкил этганда ҳам олинаверди. Пахтакор маҳорати йиллар синовларидан ўтаверди.

Биз яқинда СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг илгор бригада бошлиғи Фикрет Сефершаев билан учрашдик. У билан суҳбатда юқори ҳосил олиш сирлари ҳақида сўрадик.

— Аввало она-ер билан, пахта билан тиллаша билиш керак. Ўзимни қандай билсам, даламни ҳам шундай биламан. Ғўзалар сувга, қуёшгагина эмас, инсоннинг ҳам меҳрига тўйиши лозим.

— Фикрет Сефершаев,— дейди колхоз раиси, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» Турсуной Раймова,— пахтанинг тилини чинакам биладиган, ўта меҳнаткаш, тажрибакор ва ташаббускор бригада бошлиқларидан. Колхозимизда биолаборатория бор. У бу лаборатория ишидан тўлиқ фойдаланадиган бригада бошлиқларидан. Фикрет Сефершаев раҳбарлик қилаётган коллектив кузги-қишки ишларни колхозда энг жадал олиб бораётганлардан.

У кеча-кундуз тиним билмайди. Ҳар супранинг нони бошқа деганларидек, картаси айланади, шогирдлари билан маслаҳатлашади. Ахир ҳар бир карта ўзига хос қаровни талаб этади.

Б. ПЎЛАТОВ.

● «СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли социалистик мамлакатлар буюртмаси бўйича тайёрланаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишига эришмоқда. Январь ойининг ўзида Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакияга 1000 километр кабель жўнатилди. Тошкент маркаси қўйилган бундай маҳсулотлар айни пайтда Совет Иттифоқининг 3 минтқа объектига ва 30 дан зиёд хорижий мамлакатларга етказиб берилянти.

Суратларда: (юқорида) Ў. Муҳаммаджонов бошлиқ бригада иш устида; (пастда) социалистик мамлакатларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотлар.

В. Казанцев фотолари. (ЎзТАГ).



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

ТУРЛИ МАВЗУЛАРДА

Яқинда область партия комитети ва «Билим» жамияти область ташкилоти томонидан ташкил этилган лекторлар группаси Ғалаба райони корхоналари, хўжаликлари, муассасаларида бўлиб, меҳнаткашларга КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилидаги вазифалар, СССР Олий Советига сайловлар, КПСС Марказий Комитетининг умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари лойиҳаси ҳақида суҳбатлар ўтказдилар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг доценти, иқтисод фанлари кандидати К. Исмоилов Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли пахта тозалаш заводи коллективи ҳузурида «КПСС-нинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегияси», Тошкент область адвокатураси адвокати С. Мусаев «Совет сайлов системаси», педагогика фанлари кандидати, доцент Д. Жўрабоева мактабни ислоҳ қилиш лойиҳаси мавзуларида лекциялар ўқидилар.

С. МУСТАФОЕВ.

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ТАКОМИЛЛАШСИН

Ҳар йили мактабимизни 70—80 ўқувчи тугаллайди. Уларнинг аксарият кўпчилиги етуклик аттестатини олганларидан сўнг олий ўқув юртлари ва техникумларга киришга интиладилар. Орзу яхши нарса. Бироқ, биз, ўқитувчилар олий маълумот олишни орзу қилаётган кечаги ўқувчиларимизнинг саноқлиларигина институтларга кира олишларини кўп йиллик тажрибамиздан биламиз. Бошқалар учун эса ўрта мактаб билан хайрлашилгандан институтдаги имтиҳонлар тугагунча ўтадиган икки-уч ой қанчалар ташвишларга сабаб бўлади. Вақоланки, бу давр ичида улар бирор меҳнат коллективи сафидан ўрин олган бўлишлари, вақтни беҳуда ўтказмасликлари мумкин эди.

Демак, ҳали умумтаълим мактабларимизда меҳнат тарбиясида ҳам, ўқувчиларни касбга йўналтиришда ҳам жиддий муаммолар бор. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини барча педагогик коллективлар катта қизиқиш ва мамнуният билан қарши олдилар. Лойиҳада алоҳида боб меҳнат тарбияси, таълими, касб танлашга ўргатишга бағишланганлиги бежиз бўлмаса керак. Умуман, ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш совет мактабининг асосий вазифаларидан, таълим-тарбия мезонини белгилайдиган омиллардан бири бўлиб келган.

Мактабимизда бу соҳада кўп иш қилиняпти. Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадамиз Свердлов номли колхозда лавлаги, сабзавот экинларни етиштириш билан шуғулланади, боғбон ва сохибкорларга кўмаклашади. Ўтган йили ўқитувчиларимиздан М. Муҳамедов ва Р. Йўлдошевлар раҳбарлик қилган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ҳар гектар ердан 500 центнердан лавлаги ҳосили олди. Улар карам узиш, помидор териш, узум ҳосилини йиғиштириб олишда совхоз меҳнаткашлари билан ёнма-ён туриб ишладилар. Чорвачиликка қизиққан ёшларимиз эса хўжалик сут-товар фермасида тез-тез бўлиб турадилар.

Аммо, ҳозирги пайтда меҳнат тарбияси ва касбга йўналтиришнинг бу формалари етарли бўлмай қолди. Бизнинг фикримизча, лойиҳада кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш учун энг аввало, **умумтаълим мактабларида меҳнат тарбияси ва таълимий касб танлашга ўргатишни давр талаби асосида ташкил этиш учун зарур моддий-техника базаси яратилиши керак.** Ҳар бир қишлоқ мактабида оммавий касбларга ўргатиладиган кабинетлар, етарли миқдорда техника воситалари, қишлоқ хўжалик ускуналари бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат тарбияси билан шуғулланадиган педагогик кадрларни тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Педагогика олий ўқув юртларида қишлоқ хўжалик асослари, жумладан, пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик бўйича машғулотлар олиб борадиган кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилмаган. Кўпгина мактабларда бу иш билан биология ва зоология фанлари ўқитувчилари шуғулланиб келадилар. **Эндиликда қишлоқ хўжалик асослари бўйича меҳнат таълимини олиб борадиган педагог кадрлар тайёрлаш зарурати туғиляпти.**

Белгиланаётган тадбирларга кўра ўқувчиларнинг ёзги каникулларини қисқартириш ва ана шу ҳисобга ҳам ҳар йилги меҳнат практикасини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бизнингча, **бу меҳнат практикасини меҳнат ва дам олиш лагерларида ташкил этиш** мақсадга мувофиқдир.

Менга яқинда Москва область Шелково районидаги меҳнат ва дам олиш лагерлари иш тажрибаси билан танишишга тўғри келди. Характерлиси шундаки, бу лагерлар ўз-ўзини бошқариш усулида ташкил этилган. Лагерь бошлиқлари, бригадирлар ўқувчиларнинг ўзларидир. Бу улардаги ташкилотчилик қобилиятларини аниқлашга ҳам кўмаклашади.

Меҳнат тарбияси ва таълимини, касб танлашга ўргатишни такомиллаштириш педагогик коллективлар олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Лойиҳада кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

А. ТЎЙЧИЕВ,
Калинин районидаги Ленин номли 33-ўрта мактаб директори.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

«СРЕДАЗУГОЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АНГРЕН КЎМИР РАЗРЕЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ангрен кўмир разрези меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган ҳолда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 1983 йил плани ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Маҳсулот реализацияси плани 15 декабрда, кўмир қазиб чиқариш топшириғи эса 23 декабрда бажарилди.

Разрез коллективи учун КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил), июнь ва декабрь (1983 йил) Пленумлари қарорлари кенг ҳаракат программаси бўлиб қолди. Разрез кончилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга астойдил бел боғлаб 1984 йилда зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Меҳнатни ташкил этиш даражасини ошириш, иш вақтидан янада тўлароқ фойдаланиш эвазига кўмир қазиб чиқариш давлат плани 27 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 60 минг тонна юқори сифатли ёқилғи тайёрланади ва планга қўшимча 615 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси кенг ёйилиб, корхонанинг камида 60 процент ишчилари бу усулга жалб этилади. Кадрлар қўнимсизлигини ўтган йилдагига нисбатан 0,2 процентга ҳамда иш вақтининг йўқотилишини икки процентга камайтирилишига эришилади.

1984 йилда янги техника бўйича 5 та тадбир, 140 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади ҳамда шулар ҳисобига меҳнат унумдорлиги 0,2 процентга оширилади, қўл меҳнати сарфи 0,1 процентга камайтирилади.

1984 йилнинг IV кварталида разрез реконструкциясининг ишга туширилаётган йилига 500 минг тонна кўмир тайёрлаш имконини берадиган комплексини фойдаланишга топшириш таъминланади.

Белгиланган топшириққа қўшимча 70 минг киловатт-соат электр энергия, 10 гигакалорий иссиқлик энергияси, бир тонна қозонхона ёқилғиси, 3 тонна дизель ёнилғиси, бир тонна автобензин, 50 минг кубометр тахталар тежаб қолинади.

Товар маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига тежамкорликка эришилади ва пландан ташқари 390 минг сўмлик фойда олинади.

Камида 80 янги ишчи тайёрланади, 240 ишчи ва 20 нафар инженер-техник ходим ҳамда хизматчилар малакаси оширилади, иқтисодий таълим системасига 650 киши жалб этилади.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозига 91 минг сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатилади.

1984 йилнинг апрель ойида 500 бош чўчқага мўлжалланган янги ферма корпуси фойдаланишга топширилади. Ёрдамчи хўжалик озуқа базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 45 гектар ер ўзлаштирилади. Чўчқалар сони 700 тага етказилади. 1984 йилда ёрдамчи хўжаликда 55 тонна гўшт (тирик вазнда) етиштирилади ва йил давомида коллективнинг ҳар бир ишчиси ҳисобига 28 килограмм гўшт реализация қилинади. Ари уялари 100 тага етказилади ва разрез кончиларига йил давомида 500 килограмм асал реализация қилинади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ангрен кўмир разрези ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1984 йил ва умумий беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бор куч ва имкониятларини ишга соладилар.

Социалистик мажбуриятлар меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилди ва қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН 40 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТУЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тўйтепа металл конструкциялари заводи коллективи КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил), июнь ва декабрь (1983 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини тўла ва эпидаси билан адо этиш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган ҳолда, 1984 йилда зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Давлат плани 30 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 250 тонна қурилиш металл конструкциялари, 20 минг сўмлик ностандарт қурилмалар, 20 минг сўмлик норматив соф маҳсулот ишлаб чиқарилади, пландан ташқари 30 минг сўмлик саноат маҳсулоти ва 65 минг сўмлик товар маҳсулоти реализация қилинади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Орск цинк заводи рангли металларни қайта ишлаш заводи, Янги Қўқон химия заводи, Чоржўй суперфосфат заводи, Самарқанд химия заводининг ишга туширилаётган объектларини қурилиши учун белгиланган муддатдан барвақтроқ металл конструкциялар тайёрланиши ва етказиб берилиши таъминланади.

Илғор технологияни жорий этиш ва материаллар ҳамда энергетика ресурсларини тежаб сарфлаш эвазига 300 тонна металл прокати, 450 киловатт-соат электр энергияси, 60 гигакалорий иссиқлик энергияси, 190 тонна шартли ёқилғи иқтисод қилинади.

Меҳнаткашларнинг техник ижодиётини ривожлантириш эвазига 175 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади ва 155 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилади.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига ишчиларни меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига жалб этиш бўйича 1984 йил плани 10 процент зиёдаси билан бажарилади ва бу усулда меҳнат қилаётган жами ишчилар 70 процентга етказилади.

Тайёрланаётган маҳсулотлар сифати яхшиланади, биринчи тақдим этишда топширилаётган маҳсулотлар ўтган йилдагига нисбатан 3 процент кўпайтирилади ва бу кўрсаткич 65 процентга етказилади.

Ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш ва янги техникани жорий этиш эвазига маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштиришга эришилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва оғир меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш таъминланади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида коммунистик шанбалик кунида 15 минг сўмлик, жами 60 тонна металл конструкциялар тайёрланиши таъминланади.

1984 йилда мамлакатимизнинг илғор коллективлари бошлаб берган «Шараф ва шуҳрат меҳнатга яраша!», «Қолоқларсиз ишлаймиз», «Жароҳатларсиз ва авариясиз ишлаймиз», «Материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтирамиз» каби ташаббуслар асосида меҳнат қилиш давом эттирилади.

Янги кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини, меҳнаткашларнинг умумтаълим даражасини ошириш юзасидан планлар бажарилади, жумладан, 150 ишчи, 25 инженер-техник ходим малакаси оширилади, 75 нафар янги ишчи тайёрланади. 175 ишчи турдош касбларни ўзлаштиради, 85 нафар ишчи мураббийчилик ҳаракатига жалб этилади.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши таъминланади. Жумладан, завод санаторий-профилакторийсида ишчилар ва уларнинг оила аъзоларидан 1400 нафари учун даволаш-соғломлаштириш комплекси ўтказилади. Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва пионер лагерларида завод ишчилари ва уларнинг оила аъзоларидан 300 киши соғлиғи мустаҳкамланишига эришилади.

Завод ёрдамчи хўжалиги ривожлантирилади ҳамда йил давомида 12 минг товуқ боқилади, 50 минг дона тухум етиштирилади.

Сабзавот етиштириш ва уни реализация қилиш кўрсаткичи йилига 25 минг сўмни ташкил этишига эришилади. «Ленин йўли» колхози ва 57-мактабга оталиқ ёрдами кўрсатилади.

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Союзстальконструкция» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Руставидаги металл конструкциялари заводи ҳамда Қозоғистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг Қарағандадаги металл конструкциялари заводи билан мусобақа давом эттирилади.

Социалистик мажбуриятлар завод коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

УЧИСТАК

Мактабни ислоҳ қилиш ҳақидаги лойиҳада ўқувчиларнинг билимларига баҳо беришда ҳар қандай расмиятчилик кўринишларини қатъий равишда тар-томири билан тугатиш, процент кетидан қувиш ҳолларига барҳам бериш ҳақида айни ҳаётий фикрлар баён этилган. Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги йилларда ўқитувчилар фаолиятида «икки» ўрнига «уч» баҳо қўйиш системаси шаклланиб қолаётган эди. Бу ҳол ўқувчини беғам, дарсларга лоқайд қилиб қўйиши, болалар билими сифатига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу муносабат билан ўқувчи билимини ҳақиқий баҳолаш тўғрисидаги қондага тўла қўшиламан ва шу фикрни янада аниқлаштириш мақсадида ўз истагимни ҳам билдирмоқчиман. Ҳамон мактабларда ўқувчиларни синфдан-синфга кўчиришда лоқайдлик, ҳайбаракаллачилик ҳоллари мавжуд. Жон куйдириб ўқиган бола билан интизомсиз, прогулчи боланинг ўртасида деярли фарқ қолмаяпти. Сидқидилдан билим олгани ҳам, чаласаводи ҳам синфдан-синфга ўтмоқда. Шуни назарда тутиб лойиҳага «Фақат билимларни пухта ўзлаштирган, ҳулқи намунали» болаларгина синфдан-синфга кўчирилиши керак», деган қонда сингдирилишини таклиф қиламан.

Маълумки, ўқув йили давомида мактаблар фаолияти турли комиссиялар, халқ маорифи органларининг инспекторлари томонидан мунтазам текширилиб, назорат қилиб борилади. Текширувчиларнинг аксарияти камчиликларни кўрсатиш билангина чекланадилар. Менимча бундан буён текширишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳадан: «Халқ маорифи органларининг методистлари, инспекторлари асосий эътиборни мактаблар ишини яхшилашга, ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратсинлар. Номига текширувлар ўтказиб, педагогларнинг вақтини беҳуда кетказишга чек қўйилсин» деган жумлалар қўшилишини истардим.

Учинчи бир истак: илғор ўқитувчилар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бизнинг мактабларимизда кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган, обрўли, эътиборли, пухта билимли педагоглар кўп. Улар таълим-тарбия борасида тўплаган бойлик — бўлмаса, бу — бизнинг бебаҳо мулки бўлиб қолиши керак. Мактабларда мураббийчилик ҳаракатларини кенг йўлга қўйиш лозим. Вақоланки, ҳамон мактабларда эндигина ишга келган ёш мутахассисларга бефарқ қаралиб, уларга иш ўргатишга етарлича эътибор берилмаяпти. Бундай ишларга ветеран-педагоглар, пенсияга чиқиб дам олаётган ўқитувчиларни жалб этиш фойдали самаралар берган бўлур эди.

Қ. ТЎЛАБОЕВ,
Тошкентдаги 230-мактаб таълим-тарбия бўйича директор ўринбосари, методист-ўқитувчи.

НАТИЖАЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

300 МИНГ ХОНАДОН ГАЗЛАШТИРИЛДИ

ОБЛАСТЬ газлаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн биринчи беш йилликда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Улар шу беш йилликда ками билан 580 километр узунликдаги газ тармоқлари қуришга аҳд қилганлар. Бундан ташқари, 40 мингга яқин хонадонни «зангори олов» билан таъминлаш, арзон ва қулай бу ёқилғи туридан фойдаланувчи аҳоли сонини 150 минг кишига кўпайтириш режаларини тузишган.

Бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари зиммага олган шу юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун қизғин курашга олиб бормоқдалар. Уларнинг ўтган йилдаги иш натижалари ҳам самарали бўлди. Хонадонларни газлаштириш, саноат корхоналари, коммунал-хўжалик ташкилотлари ва маданий-маиший муассасаларни «зангори олов» билан тамъинлаш давлат плани барвақт адо этилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Бирлашма коллективининг фидокорлиги билан областимизнинг газ хўжалиги йилдан-йилга кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги вақтгача уларнинг кучи билан 300 мингдан ортиқ хонадон табиий ва суюлтирилган газ билан таъминланди. 200 га яқин саноат ва 7 мингдан ортиқ коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига газ тармоқлари тортилди.

Областимиз территориясидан ўтган қувурларининг кўпдан-кўп тармоқлари ўтган. Истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан таъминлашга мўлжалланган учта газ тўлдириш станцияси ташкил этилди. Газ хўжалигининг бундай катта миқёслари бирлашма ходимлари олдига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини, янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш вазифасини қўймоқда.

Шунинг учун ҳам улар «зангори олов» тармоқларидан самарали фойдаланиш, истеъмолчиларни бу қимматли ёқилғи билан етарли даражада таъминлаб туришни яхшилаш учун кенг ҳажмда ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнат сарфини камайтириш, газ таъминотини яхшилашга қаратилган кўпгина чоралар кўрилди. Газ тўлдириш станцияларида иш шароитлари анча енгиллашди. Бундай станцияларда суюқ газни баллонларга қуйиш механизмлар ёрдамида бажарилмоқда, баллонларни ташишда транспортерлардан фойдаланиляпти. Технологик асбоб-ускуналар модернизация қилиняпти. Ана шуларнинг ҳаммаси газ тўлдириш станцияларининг қувватини қўшимча капитал маблағлар сарфламасдан анча ошириди.

Бирлашманинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси оммалашмоқда. Ягона наряд асосида, меҳнат иштироки коэффициентини жорий этиб ишлаётган коллективларда вақт ва бошқа моддий ресурслар кўплаб тежаляпти. Уларда ишлаб чиқариш интизоми ҳам яхши. Шунинг учун бундай бригадалар аъзоларининг маоши ҳам ортиқроқ бўляпти. Буни «Янгиюлгаз» идорасининг Ваҳоб Болтабоев бошчилигидаги слесарлар бригадаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бригадирнинг ўзи газ хўжалиги тармоғида ишлаётганига беш йил бўлди. Шу давр мобайнида у фақатгина яхши мутахассислигина эмас, ажойиб ташкилотчи ҳам бўлиб етишди. Унинг раҳбарлигидаги бригада топшириқни доим сифатли қилиб, 110—115 процентдан бажармоқда. Ўнлаб бошқа шундай пудратчи бригадалар коллективлари ҳам унумли ва сифатли ишламоқдалар.

Бирлашманинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида доим қайғурилаётганлиги диққатга сазовордир. Сўнгги йилларда Ғазалкент, Пискент, Янгибозор, Ангрен шаҳарларида газ хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базалари фойдаланишга топширилди. Янгийўлда баллонлар сақланадиган омбор, Бўка районида автомобиль гаражи, шунингдек, бирлашманинг маъмурий биноси қурилди.

Газчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бирлашмада меҳнат шароитларини яхшилаш ва санитария-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш юзасидан ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган планга қатъий амал қилинмоқда. Ўтган уч йилда назарда тутилган кўпгина тадбирлар рўёбга чиқарилди. Оҳангарон ва Бекобод газ тўлдириш станцияларида газ баллонларини тўлдириш агрегатларини жорий этиш, ремонт ишлари айрим турларини механизациялаш, вентиляция қурилмаларини реконструкция қилиш билан 600 дан ортиқ ишчи-хизматчининг меҳнат шароитлари яхшиланди. Фақатгина сўнгги йилларда 200 квадрат метрдан ортиқ саҳнли санитария-маиший хоналар фойдаланишга топширилди.

Коллектив эришаётган ютуқларнинг салмоқли бўлишида социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги катта роль ўйнамоқда. Бирлашманинг икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчиси бу ватанпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этмоқда. Уларнинг куч-ғайрати ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш, ишнинг сифат кўрсаткичлари ортишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтиришга сафарбар этилмоқда. Шунинг учун ҳам коллектив фаолиятининг шу муҳим кўрсаткичлари бўйича йиллик план тўла ва ошириб бажарилиши таъминланди.

Коллективнинг фаолиятида айрим камчиликлар ҳам содир бўлди. Жумладан, газ таъминотининг узилиб қолиши каби камчиликларга йўл қўйилди. Айрим ҳолларда хизмат даражаси кўнгилдагидек бўлмади. Натижада аввалги йиллардагига қараганда кам бўлса ҳам шикоятлар тушиб турди. Коллектив меҳнатининг янада яхшиланишига ёрдам берадиган кўпгина резерв ва имкониятлар фойдаланилмай қолди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари билан чуқур танишиб чиққан бирлашма ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам самарали, янада унумлироқ ишлашга, хизмат маданиятини оширишга азму-қарор қилдилар.

Ҳ. УМАРОВ,
Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмаси фан-техника ахбороти бўлими раҳбари.

П. ГАЛЛЯМОВ,
пропаганда сектори мудири.

ЛОЙИҲАДА — РАЙОН ЖАМОЛИ

Кейинги йилларда Бўка райони маркази янада обод ва кўркам бўлиб қолди. Уни кенгайтириш ҳисобига қатор маданий-маиший объектлар қурилиш ҳам кўзда тутилди.

Район марказининг эртанги жамолини белгилашда тошкентлик архитектор ва инженерлар ҳамкорлигида яратилган мукаммал лойиҳа жуда қўл келди. «УзНИИПградостроительство» институти лабораторияларида тайёрланган янги лойиҳага асосан бу ерда кўпгина қурилишлар олиб борилади. Шон-шуҳрат қўрғони ён-атрофи янада ободонлашади.

«Мингчинор» маданият ва истироҳат боғи, маданият саройини бунёд этишда ҳам меъморлар ижод намунасидан фойдаланилди. Шунингдек, марказий бозор ишга тушди.

Район марказининг истиқбол плани яшил зоналарни тағин ҳам кенгайтириш имконини беради.

А. АКБАРОВ.

Республикамиз пойтахтидаги 2-трамвай депосида вагонлар ремонти бўйича слесарь-механик Рафиқ Ҳамидуллин номини ҳурмат билан тилга олишдилар. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир ишчи смена топшириқларини ҳар доим 120 процент ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда.

В. Портнов фотоси.

МАРТ 4 ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР

ҚИШЛОҚ АГИТПУНКТЛАРИДА

Шу кунларда Раҳмонберди Бекмуродов, Ҳусан Шериев, Саидвали Хўжақулов, Бувисари Шерматова, Робия Умарова каби агитаторларни эрта-кеч эл орасида кўриш мумкин. Улар меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган учрашувларда сайловдан-сайловгача давр ичида мамлакатимизда рўй берган улкан ўзгаришлар, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда Бекобод райони меҳнаткашларининг турли жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда 80 га яқин агитатор ва пропагандист фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Пушкин қишлоқ Советининг Баҳриниса Жабборова, Турсунбой Мирсолиев, Абдусаттор Жуманов, Ширин Хидирова, Шаҳри Назарова сингари депутатлари ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Қишлоқ Совети территориясида 2 та — 97/97 ва 98/98 сайлов участкалари иш олиб бораяпти. Ф. Э. Дзержинский номли 1-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Мукаррам Саидова ҳамда Низомий номли 38-мактаб ўқитувчиси Очилали Ашраповлар мудирлик қилаётган агитпунктлар зарур снёсий адабиётлар, плакатлар, кундалик матбуот нашрлари, радио, телевизор ва магнитофонлар билан тўлиқ таъминланган. Кўзга кўринарли жойга қўйилган стендларда халқимиз эришаётган меҳнат ютуқлари, совет демократияси афзалликлари ўз ифодасини топган.

Қишлоқ ёшларидан тузилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ҳамда вокал-чолғу асбоблари ансамбли аъзолари белгиланган график асосида сайловчилар ҳузурида бўлиб, ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар.

А. ҲАЙДАРОВ.

БАРАКАНИНГ БОШИ — ҲИСОБ-КИТОБДА

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ КОЛХОЗ ХЎЖАЛИК ЙИЛИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

ДАЛАЛАРНИНГ ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги, табиийки, шу соҳа фидойиларининг ғайратига, шижоатига, уддабурролигига, тадбиркорлигига боғлиқдир.

Тошкент районидаги Навоий номли колхозда бундай кишилар кўп. Тожибой Алимов ана шулардан бири. У кўп йиллардан буён бригадага етакчилик қилиб келмоқда. Тажрибакорлар билан бамаслаҳат иш юритиб, ҳар бир тадбирнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун курашиб, деҳқончиликда яхши натижаларга эришаётир. Гектаридан 40—50 тоннадан помидор, 300—400 центнердан сабзавот ҳосили олинишини таъминлаяпти.

— Халқимизда ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, деган гап бор, — дейди у, — Бу бизга деҳқонларга, айниқса, тааллуқлидир. Агар деҳқон режа билан, ҳисоб билан иш юритмаса экинидан, демак, ҳосилидан, даромадидан айрилади. Ҳисобкитоб билан иш юритишнинг маъноси кенг. Фақатгина гектарларнинг тўлалигини таъминлаш, сарф-ҳаражатларнинг саранжом-саришталигини тушуниш керак эмас. Ҳисобни билиш — бу фаслларнинг қандай келишини назарда тутиб, агротехника тадбирларини шунга мослаб олиб бориш демакдир. Кўчатларни, уруғларни сархиллаш, танлаш, саралаш ҳам деҳқондан маҳоратни, билимдонликни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада ердан самарали фойдаланиш, унумдорликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади. Партиямиз биздан шуни талаб қиляпти. Буни ҳеч вақт унутмаслигимиз керак.

Тоживой бизга бу гапларни ҳисобот йиғилиши бошланишидан олдин айтган эди. Йиғилишда қатнашиб, колхоз раиси Орифжон Латипов ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг сўзларини тинглар эканмиз, Тоживой синғари деҳқонларнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли катта ютуқлар қўлга киритилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширди. Уларнинг кучғайрати белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишига сафарбар этилмоқда. Энг яхши тажрибалар умумлаштирилаётир. Фан ютуқлари ишлаб чиқаришга дадил жорий этилмоқда. Йўл қўйилган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилаётир. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши юксалиб бораётир.

Ўтган йили планда кўзда тутилган 1950 тонна ўрнига 3483 тонна картошка, 10 минг 590 тонна ўрнига 13 минг 260 тонна сабзавот, 320 тонна ўрнига 891 тонна узум етиштирилди. Бу турдаги маҳсулотларни давлатга сотиш анча кўпайди. Бу муваффақиятга аксарият бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, Т. Алимов, М. Миртурсунов, Ю. Исломов, Б. Саидазимов, М. Ғафуржонов, Т. Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришдилар.

Чорвачиликни ривожлантириш, энг аввало унинг озуқа базасини муетаҳкамлаш соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Мавжуда Ёқубова, Муяссар Шаропова, Раъно Қозоқова, Гулсара Шоюсупова сингари сут соғувчилар ўз қарамоғларидаги соғин сигирлардан 4—5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олдилар. Пиллачиликда ҳам қувончли натижаларга эришилди. Пландаги 13,5 тонна ўрнига 16,6 тонна маҳсулот топширилди. Колхозчиларга меҳнат ҳақи тўлаш кўпайди. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги ортди. Ободонлаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ қиёфаси йил сайин гўзаллашиб бораётир.

Ҳар соҳада бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатнинг пировард натижаси ундан келадиган даромад билан белгиланади. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, колхознинг пул даромади 1982 йилдагига нисбатан анча кўпайди. Бироқ, соф даромад мўлжалдагидан анча кам бўлди.

Ҳисобот йиғилишида бунинг сабаблари атрофлича муҳокама қилинди. Бундай қараганда барча бригадалар планларини уддалашяпти. Лекин планларнинг бажарилишини экин экилаётган, фойдаланиб келинаётган ҳақиқий ерлардан олинаётган махсулотга нисбатан баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда бир қатор имкониятлар бой берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Эртаги карамни ўз вақтида йиғиштириб олиш йўлга қўйилмаганлиги туфайли унинг бир қисми давлатга топширилмай қолди. Колхознинг 1-участкасида кечки карам экиш плани тўла бажарилмади. Оқибатда мўлжалдаги ҳосил олинмади. Бошқа турдаги айрим экинлар парвариши ҳам яхши ўтказилмаганлиги туфайли ҳосил кўнгилдагидек бўлмади. Айрим бригадалар экинларнинг турлари бўйича белгиланган планларини барбод қилдилар. Масалан, 1-бригадада гектаридан 130 центнер ўрнига 79 центнердан, 7-бригада эса 78 центнердан, 9-бригадада 63 центнердан, 15-бригадада 77 центнердан, 16-бригадада атиги 95 центнер сабзи олинди. Шундай қилиб, колхоз бўйича 115 тонна сабзи, шунингдек 17 тонна мева маҳсулоти кам олинди.

Ҳисобот йиғилишида чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам пухта таҳлил қилинди. Ҳусусан, ўтган йили сут етиштириш плани бажарилмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Пландаги 1550 тонна ўрнига 1160 тонна сут соғиб олинди. Паррандачиликдан ҳам зиён кўрилди.

— КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми, — деди колхоз раиси О. Латипов, — биз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига ҳам янги вазифаларни қўйди. Пленум қарорлари асосида ишимизни қайта кўриб чиқмоқдамиз. Ердан, техникадан ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Бу йил кам деганда 2500 тонна картошка, 15 минг 500 тонна сабзавот, минг тонна мева, минг тонна узум, 140 тонна гўшт, 1500 тонна сут, 16 тонна пилла етиштириш мажбуриятлари олинди.

Айни кунларда колхоз далаларида, фермаларида бу юксак мажбуриятни бажариш учун иш қизиб кетди. Навоийликлар ҳар соҳада илғор бўлиш учун барча резервлар, имкониятларни ишга солмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА КЎПЛАБ ТЕХНИКАЛАР

● «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи чигитни аниқ экувчи серунум сеялкаларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига баҳорги дала ишлари бошлангунга қадар пландан ташқари механизмлар етказиб беришда бу ерда ўтказилаётган социалистик мусобақа катта фойда бермоқда.

Суратда: 4-цехнинг илғор слесари Т. Маражимов агрегатларни кўздан кечирмоқда. У смена топшириқларини 140—150 процентга адо этиб мусобақада пешқадамлик қиляпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА 1983 ЙИЛДА ЕТИШТИРИЛГАН ВА ҲАР БИР СИГИРДАН ЎРТАЧА СОҒИБ ОЛИНГАН СУТ

Ўринлар		Хўжаликларнинг номлари	Районлар	Ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут (кг)			Ялпи сут етиштириш (центнер)		
1983 йил	1982 йил			1983 йил	1982 йил	+ −	1983 йил	1982 йил	+ −
1	1	«Москва» колхози	Калинин	5035	5033	+ 2	6500	6500	—
2	6	«Политотдел» колхози	Коммунистик	5027	4814	+213	40877	39520	+1357
3	3	«Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми	Чиноз	5010	5004	+ 6	69250	66410	+2840
4	2	«Коммунизм» колхози	Янгийўл	5010	5007	+ 3	17235	21000	—3765
5	4	Ильич номли колхоз	Бўка	4832	4832	—	5480	5460	+ 20
6	5	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Бўка	4818	4816	+ 2	7410	7720	— 310
7	9	«Қорасув» совхози	Калинин	4522	4477	+ 45	8140	8060	+ 80
8	8	Калинин номли колхоз	Калинин	4511	4511	—	10320	10060	+ 260
9	51	Уруғчилик институти	Оржоникидзе	4500	3300	+1200	1380	1221	+ 159
10	31	«Москва» совхози	Калинин	4450	4394	+ 56	4450	3900	+ 550
11	13	«Партия XXI съезди» совхози	Калинин	4430	4370	+ 60	6300	5980	+ 320
12	10	«Ғаллақудуқ» совхози	Оҳангарон	4410	4334	+ 76	8719	8730	— 11
13	7	К. Маркс номли колхоз	Тошкент	4280	4277	+ 3	10400	10400	—
14	16	Х. Турсунқулов номли колхоз	Янгийўл	4244	4199	+ 45	16330	16310	+ 20
15	15	«Ленин йўли» колхози	Ўрта Чирчиқ	4239	4234	+ 5	9600	9350	+ 250
16	20	«Хасково» совхози	Калинин	4222	4212	+ 10	11260	12810	—1550
17	14	СоюзНИХИ	Оржоникидзе	4204	4302	— 98	8070	8060	+ 10
18	17	Свердлов номли колхоз	Пискент	4190	4172	+ 18	12109	12100	+ 9
19	11	«ЎзССР 50 йиллиги» колхози	Тошкент	4172	4170	+ 2	20820	20750	+ 70
20	19	Ленин номли колхоз	Бекобод	4150	4130	+ 20	18660	18660	—
21	23	«Назарбек» совхози	Калинин	4084	4050	+ 34	4860	5370	— 510
22	12	«Правда» колхози	Коммунистик	4067	4373	—306	34827	32700	+2127
23	26	«Коммунизм» колхози	Бўка	4065	3913	+152	5540	5160	+ 380
24	22	Свердлов номли колхоз	Коммунистик	4043	4095	— 52	28008	26620	+1388
25	25	Оржоникидзе номли колхоз	Калинин	4018	3983	+ 35	6350	6350	—
26	18	«Ленинский путь» колхози	Коммунистик	4006	4164	—158	25177	23410	+1767
27	27	Свердлов номли совхоз	Калинин	3930	3910	+ 20	5110	5110	—
28	29	«КПСС XXV съезди» совхози	Бекобод	3910	3900	+ 10	17330	17020	+ 310
29	34	Куйбишев номли колхоз	Калинин	3900	3820	+ 80	5470	5310	+ 160
30	33	«Ўзбекистон» колхози	Коммунистик	3862	3856	+ 6	15130	20520	—5390
31	40	«КПСС XXIV съезди» совхози	Чиноз	3834	3703	+131	35890	35600	+ 290
32	55	Абдураҳмонов номли совхоз	Тошкент	3826	3787	+ 39	5628	5601	+ 27
33	32	«Партия XX съезди» колхози	Калинин	3812	3807	+ 5	5070	5070	—
34	37	Тимирязев номли колхоз	Бўка	3774	3739	+ 35	5790	5360	+ 430
35	36	Охунбобоев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3750	3745	+ 5	6030	6030	—
36	38	Ҳамза номли колхоз	Бўка	3743	3716	+ 27	10860	10640	+ 220
37	39	Ким Пен Хва номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3715	3713	+ 2	10540	10520	+ 20
38	42	Красний водопад экспериментал базаси	Оржоникидзе	3680	3660	+ 20	30580	29740	+ 840
39	43	«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси	Калинин	3675	3651	+ 24	6830	6720	+ 110
40	53	К. Маркс номли колхоз	Бўка	3656	3561	+ 95	5400	5080	+ 320
41	45	«Ленин йўли» колхози	Бўка	3648	3625	+ 23	11850	11200	+ 650
42	46	Жданов номли колхоз	Бўстонлиқ	3643	3615	+ 28	2850	3000	— 150
43	44	Гагарин номли совхоз	Калинин	3635	3631	+ 4	4430	4430	—
44	21	А. Навоий номли колхоз	Тошкент	3625	4100	—475	11605	11600	+ 5
45	47	Калинин номли колхоз	Янгийўл	3613	3610	+ 3	7507	7562	— 55
46	49	«Партия XX съезди» колхози	Бўка	3587	3583	+ 4	5150	5050	+ 100
47	48	«Пискент» совхози	Пискент	3582	3586	— 4	20060	21300	—1240
48	85	«Текстильщик» ёрдамчи хўжалиги	Калинин	3580	3308	+272	2100	1980	+ 120
49	52	У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси	Янгийўл	3572	3565	+ 7	12395	15500	—3105
50	80	«Интернационал» колхози	Янгийўл	3541	3541	—	7100	7050	+ 50
51	70	«Тошкент» совхози	Тошкент	3536	3526	+ 10	7400	7400	—
52	54	«КПСС XXVI съезди» совхози	Пискент	3534	3540	— 6	19402	19681	— 279
53	58	«Партия XXI съезди» колхози	Янгийўл	3504	3503	+ 1	2260	2242	+ 18
54	60	Қибрай» совхози	Оржоникидзе	3500	3496	+ 4	5630	5640	— 10
55	57	Троицкий ёрдамчи хўжалиги	Оржоникидзе	3473	3521	— 48	3300	3300	—
56	96	«Ўзғариш» совхози	Калинин	3470	3214	+256	6530	5860	+ 670
57	64	Н. Ниёзов номли колхоз	Янгийўл	3463	3458	+ 5	5696	6730	—1034
58	72	«Коммунизм» колхози	Бекобод	3450	3400	+ 50	3070	3020	+ 50
59	67	Ленин номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3450	3436	+ 14	7670	6840	+ 830
60	59	«Ленинград» совхози	Тошкент	3450	3425	+ 25	7360	7610	— 250
61	65	«Ленинизм» колхози	Янгийўл	3448	3447	+ 1	12527	12300	— 227
62	69	Калинин номли колхоз	Пискент	3436	3428	+ 8	6323	6000	+ 323
63	62	«ЎзССР беш йиллиги» совхози	Ғалаба	3425	3337	+ 88	25050	25020	+ 30
64	71	«Октябрь 40 йиллиги» колхози	Чиноз	3425	3423	+ 2	7050	7050	—
65	82	«Ленин йўли» колхози	Тошкент	3420	3314	+106	8686	9823	—1137
66	28	Энгельс номли колхоз	Ғалаба	3402	3401	+ 1	3573	3353	+ 220
67	74	«Горняк» совхози	Ўрта Чирчиқ	3381	3360	+ 21	1860	1780	+ 80
68	79	«СССР 60 йиллиги» колхози	Янгийўл	3372	3328	+ 44	4281	4170	+ 111
69	24	С. Раҳимов номли колхоз	Тошкент	3366	4031	—665	2121	2901	— 780
70	—	Жуков номли совхоз	Оҳангарон	3330	3330	—	2193	1030	+1163
71	66	Жамбул номли колхоз	Бўка	3322	3287	+ 35	4460	4060	+ 400
72	81	Свердлов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3321	3315	+ 6	5580	5540	+ 40
73	78	«Далварзин» совхози	Бекобод	3320	3300	+ 20	13600	14300	— 700
74	68	Фрунзе номли колхоз	Бўстонлиқ	3318	3435	—117	6730	6770	— 40
75	86	Терешкова номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3315	3306	+ 9	3710	3570	+ 140
76	97	«Овошной» совхози	Калинин	3314	3310	+ 4	5300	4750	+ 550
77	98	«Бўзсув» совхози	Калинин	3311	3204	+107	9040	8010	+1030
78	90	Охунбобоев номли колхоз	Пискент	3300	3284	+ 16	11100	11100	—
79	30	Димитров номли колхоз	Ғалаба	3297	3215	+ 82	21440	21180	+ 260
80	63	Свердлов номли колхоз	Ғалаба	3295	3267	+ 28	11660	11244	+ 416
81	91	«Партия XXII съезди» колхози	Ўрта Чирчиқ	3295	3279	+ 16	4120	3870	+ 250
82	105	«Партия XIX съезди» колхози	Бўка	3282	3329	— 47	12370	13100	— 730
83	41	«Победа» колхози	Ғалаба	3266	3215	+ 51	6630	6210	+ 420
84	130	«Заря коммунизма» колхози	Ғалаба	3266	3205	+ 61	12206	11750	+ 456
85	94	«Северний маяк» колхози	Ўрта Чирчиқ	3259	3250	+ 9	11630	11580	+ 50
86	119	Ленин номли колхоз	Ғалаба	3257	3207	+ 50	11809	11901	— 92
87	118	Ленин номли колхоз	Тошкент	3255	3092	+163	9846	9400	+ 446
88	95	К. Маркс номли колхоз	Бўстонлиқ	3251	3231	+ 20	4680	4520	+ 160
89	78	«Бўка» совхози	Бўка	3218	3329	—111	12370	13100	— 730
90	84	«Ленинизм» колхози	Бўка	3215	3308	— 93	5470	5170	+ 300
91	102	«Победа» колхози	Бекобод	3200	3190	+ 10	8920	9100	— 180
92	115	Фрунзе номли колхоз	Бўка	3198	3101	+ 97	4930	4500	+ 430
93	93	Охунбобоев номли колхоз	Тошкент	3189	3255	— 66	8100	8030	+ 70
94	107	«Қизил туғ» колхози	Бўстонлиқ	3184	3154	+ 30	5620	4360	+1260
95	100	Тельман номли колхоз	Пискент	3182	3199	— 17	5568	5950	— 382
96	122	С. Раҳимов номли совхоз	Оҳангарон	3180	3094	+ 86	10850	10550	+ 300
97	87	Киров номли колхоз	Ғалаба	3164	3105	+ 59	4430	6208	—1778
98	89	Мичурин номли колхоз	Бўка	3152	3314	—162	6290	6160	+ 130
99	112	«Бўстонлиқ» совхози	Бўстонлиқ	3138	3117	+ 21	12330	12000	+ 330
100	108	Навоий номли колхоз	Бекобод	3115	3100	+ 15	9504	9400	+ 104
101	114	Дзержинский номли колхоз	Бекобод	3115	3110	+ 5	8800	8800	—
102	35	«Огонёк» совхози	Ғалаба	3114	3054	+ 60	8415	8001	+ 414
103	120	Жамбул номли совхоз	Чиноз	3100	3077	+ 23	600	400	+ 200
104	—	«Озод» колхози	Оққўрғон	3100	3100	—	3900	3600	+ 300
105	109	«Гулистон» колхози	Пискент	3071	3149	— 78	5251	7242	—1991
106	121	Энгельс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3067	3060	+ 7	6180	6140	+ 40
107	50	«Ленинград» колхози	Ғалаба	3066	3050	+ 16	11967	12168	— 201
108	124	Мавлонов номли совхоз	Бекобод	3060	3040	+ 20	10710	10620	+ 90
109	92	Икромов номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	3048	3048	—	3560	3630	— 70
110	129	Ленин номли колхоз	Янгийўл	3026	3025	+ 1	13804	15000	—1196
111	61	«Коммунизм» совхози	Ғалаба	3021	3008	+ 13	12695	11891	+ 804
112	125	Энгельс номли колхоз	Чиноз	3000	3040	— 40	5820	5620	+ 200
113	110	Ойбек номли совхоз	Бекобод	3000	3140	—140	8980	9590	— 610
114	101	Ворошилов номли совхоз	Оҳангарон	2984	3112	—128	12964	12940	+ 24
115	141	Сегизбоев номли совхоз	Оққўрғон	2969	2895	+ 74	15750	14850	+ 900
116	106	Охунбобоев номли колхоз	Оққўрғон	2942	3155	—213	8970	8700	+ 270
117	140	Калинин номли колхоз	Бўстонлиқ	2934	2908	+ 26	4840	4540	+ 300
118	143	Навоий номли колхоз	Чиноз	2929	2880	+ 49	2870	2820	+ 50
119	113	Волков номли совхоз	Ғалаба	2920	2905	+ 15	23850	23575	+ 275
120	73	Куйбишев номли колхоз	Оққўрғон	2919	3381	—482	7100	7100	—
121	75	«Ленинизм» колхози	Оққўрғон	2913	3354	—441	7190	7110	+ 80
122	139	«Кўкорол» совхози	Бўка	2910	2901	+ 9	7880	8390	— 510
123	144	«Авангард» совхози	Бекобод	2900	2880	+ 20	8350	8690	— 340
124	56	Киров номли ўқув хўжалиги	Ғалаба	2899	2819	+ 80	16090	16023	+ 67
125	83	Навоий номли колхоз	Оққўрғон	2892	3309	—417	3120	3210	— 90
126	148	«Қизил Октябрь» колхози	Чиноз	2883	2830	+ 53	6050	6000	+ 50
127	150	«Янгиобод» совхози	Чиноз	2862	2805	+ 57	17170	12580	+4590
128	76	«Октябрь» колхози	Оржоникидзе	2876	3337	—461	10950	12450	—1500
129	149	«Ленинград» колхози	Бўстонлиқ	2862	2829	+ 33	5580	4370	+1210
130	136	Охунбобоев номли колхоз	Чиноз	2856	2900	— 44	9340	9070	+ 270
131	146	К. Маркс номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2855	2845	+ 10	10460	10310	+ 150
132	145	«Коммунизм» колхози	Ўрта Чирчиқ	2853	2852	+ 1	4060	4050	+ 10
133	147	«Оққўрғон» совхози	Оққўрғон	2843	2841	+ 2	14810	14800	+ 10
134	164	Вахрушев номли совхоз	Пискент	2838	2667	+171	712	640	+ 72
135	127	Сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик илмий тадқиқот институтининг ёрдамчи хўжалиги	Тошкент	2834	3039	—205	3202	4235	—1033
136	152	Калинин номли совхоз	Паркент	2834	2763	+ 71	7680	7184	+ 496
137	132	Куйбишев номли колхоз	Ўрта Чирчиқ	2829	2829	—	4960	4800	+ 160
138	133	«Ленинобод» колхози	Оққўрғон	2818	3000	—182	10130	9210	+ 920
139	158	«Ленинобод» совхози	Паркент	2809	2743	+ 66	7725	7635	+ 95
140	160	«Чорвоқ» совхози	Бўстонлиқ	2801	2706	+ 95	4600	4410	+ 190
141	123	Ильич номли колхоз	Тошкент	2793	3050	—257	6900	7630	— 730
142	151	«ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози	Оржоникидзе	2790	2719	+ 71	4430	4160	+ 270
143	153	«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	Пискент	2789	2759	+ 30	2371	2180	+ 191
144	126	К. Маркс номли колхоз	Чиноз	2769	2765	+ 4	5620	5620	—
145	154	Ленин номли колхоз	Оржоникидзе	2761	2750	+ 11	9470	8770	+ 700
146	157	«Гулбоғ» совхози	Паркент	2744	2743	+ 1	8335	8445	— 110
147	162	Мусамуҳамедов номли совхоз	Оржоникидзе	2716	2683	+ 33	2100	3000	+ 100
148	155	«Маданият» колхози	Оржоникидзе	2710	2650	+ 60	7810	7500	+ 310
149	99	Калинин номли совхоз	Ғалаба	2710	2679	+ 31	6706	6800	— 94
150	134	«Коммуна» совхози	Паркент	2690	2983	—293	9010	9480	— 470
151	88	Ҳамза номли колхоз	Ғалаба	2684	2580	+104	9481	9165	+ 316
152	131	«Москва» колхози	Ғалаба	2675	2565	+110	4880	4800	+ 80
153	128	«Прогресс» совхози	Паркент	2666	3027	—361	5945	6053	— 108
154	182	«Октябрь 46 йиллиги» совхози	Бекобод	2660	2250	+410	2130	930	+1200
155	174	Охунбобоев номли совхоз	Коммунистик	2634	2520	+114	2500	960	+1540
156	165	«Паркент» совхози	Паркент	2629	2658	— 29	5390	5710	— 320
157	137	Вотинцев номли колхоз	Оққўрғон	2624	2966	—342	10900	9550	+1350
158	168	«Хўжакент» совхози	Бўстонлиқ	2616	2603	+ 13	14150	14130	+ 20
159	180	Оржоникидзе номли совхоз	Оржоникидзе	2613	2541	+ 72	7110	8260	—1150
160	111	Куйбишев номли совхоз	Оҳангарон	2606	3187	—581	16240	21060	—4820
161	183	«Гулистон» совхози	Бўка	2580	2000	+580	1060	700	+ 360
162	135	«Коммунизм» колхози	Оққўрғон	2572	2975	—403	4900	4730	+ 170
163	104	«Иваново» совхози	Калинин	2566	3160	—594	9240	12420	—3180
164	171	Киров номли колхоз	Чиноз	2565	2539	+ 26	5050	4830	+ 220
165	170	«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози	Бўстонлиқ	2546	2546	—	5290	5940	— 650
166	173	«Коммунист» колхози	Оржоникидзе	2545	2532	+ 13	9170	9110	+ 60
167	117	Х. Олимжонов номли колхоз	Оққўрғон	2521	3094	—573	6770	6710	+ 60
168	138	«Оҳангарон» совхози	Оҳангарон	2501	2964	—463	24730	26300	—1570
169	184	Колпакова номли совхоз	Бекобод	2500	2350	+150	2204	500	+1704
170	177	«Ленинобод» колхози	Бўка	2500	2436	+ 64	4690	4050	+ 640
171	175	«Ленинград» совхози	Бекобод	2500	2500	—	5000	5500	— 500
172	172	«Москва» колхози	Чиноз	2493	2490	+ 3	4510	4500	+ 10
173	159	САИМЭ	Янгийўл	2493	2732	—239	4089	5002	— 913
174	169	К. Маркс номли колхоз	Коммунистик	2490	2566	— 76	2202	2130	+ 72
175	116	«Партия XXII съезди» колхози	Оққўрғон	2468	3100	—632	7790	7650	+ 140
176	—	«Коммунизм» совхози	Паркент	2450	—	—	370	—	+ 370
177	—	Будённий номли совхоз	Оҳангарон	2429	—	—	1859	—	+1859
178	161	«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози	Чиноз	2426	2422	+ 4	5890	6110	— 220
179	103	Серго номли совхоз	Оҳангарон	2426	2928	—502	8000	10760	—2760
180	142	«Правда» колхози	Оржоникидзе	2425	2800	—375	7280	7260	+ 20
181	167	Энгельс номли совхоз	Паркент	2423	2610	—187	6421	6500	— 79
182	176	У. Юсупов номли совхоз	Коммунистик	2421	2477	— 56	619	380	+ 239
183	179	«Олмазор» совхози	Чиноз	2420	2405	+ 15	1260	1120	+ 140
184	156	«Октябрь 50 йиллиги» совхози	Бекобод	2410	2620	—210	4220	4860	— 640
185	181	Ленин номли колхоз	Пискент	2333	2286	+ 47	4550	4320	+ 230
186	163	«Ангрен» совхози	Оҳангарон	2314	2701	—387	12630	14800	—2170
187	178	«Қизил Ўзбекистон» колхози	Оржоникидзе	2170	2432	—262	8510	9730	—1220
188	166	САМИС	Янгийўл	2106	2642	—536	1748	1136	+ 612
189	—	«Бўстон» совхози	Паркент	1890	—	—	548	—	+ 548
190	—	Тошкент от заводи	Оҳангарон	1643	—	—	510	—	+ 510

СОЗ САНЪАТИ ИСТИҚБОЛИ

ТОШКЕНТДА ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ВА БАЯНДА ИЖРО ЭТУВЧИ ЁШ СОЗАНДАЛАРНИНГ IV РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИ ОЧИЛДИ

ОКТЯБРЬ инқилоби ўзбек халқига илм-фан, санъат ва маърифат соҳаларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Тошкент, Хоразм, Бухоро ва бошқа областларда музика мактаблари ва санъат билим юртлари эшигини очди. Айниқса, Самарқандда иш бошлаган музика ва хореография санъати институти тез орада ўз самарасини берди. Бу ерда таълим олган М. Ашрафий, Ш. Рамазонов, М. Левиев, М. Бурхонов, Д. Зокиров, М. Насимов, А. Ҳалимов, Р. Оллоберганов ва бошқалар ўзбек совет музика санъатининг йирик арбоблари бўлиб етишдилар. Улар билан ёнма-ён туриб ўзбек совет музика санъатининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган Ўзбекистон ССР халқ артистлари Матюсуф Харратов, Уста Олим Комилов, Уста Рўзиматхон Исабоев, Тўхтасин Жалилов, Толибжон Содиқов, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Ғанижон Тошматов, Санджон Калонов, Набижон Ҳасанов каби устоз санъаткорларнинг республикамиз чолғучилик санъати ривожида ёрқин изларини ва издошлари бор.

Профессионал созандалар ўз навбатида музика ва санъат билим юртларида ёшларга чолғу санъатининг ижрочилик сирларини қунт билан ўргатдилар. Халқ чолғу асбоблари ва баянда ижро этувчи ёш созандаларнинг I республика конкурси 1971 йилда Тошкентда зўр муваффақият билан ўтказилди. Барча областлардан келган юздан ортиқ умидли созандалар билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. Петросянц раислигидаги жюри ҳайъати чолғучиларнинг энг кучлиларини I даражали диплом билан тақдирлади. Лауреат номига сазовор бўлганлар орасида Ф. Шукурова (чанг), Б. Расулов, Ш. Йўлдошев (гижжак), А. Маликов (примарубоб), Б. Раҳимжонов (дутор), Х. Комилов (бас-гижжак), П. Бакаев (рубоб), Б. Йўлдошев (доира) каби созандалар бор эди. Бу санъаткорларнинг кўпчилиги бугунги кунда музика ихлосмандларига яхши таниш.

Ёш созандаларнинг II республика конкурси 1974 йилда ўтказилди. Конкурсда иштирок этиш учун юздан ортиқ ёш созандалар Тошкентга келишди. Улар икки давра мусобақаларида баҳс юритишди. I республика конкурсида бўлганидек, бунда ҳам асосан пойтахт созандалари карвонбошилик қилишди. Тошкентлик ижрочилардан Ш. Йўлдошев, Б. Расулов, Б. Раҳимжонов, Ш. Зиёев, О. Азизов, Фарғонадан И. Қосимов, самарқандлик В. Серебрянниковлар I даражали диплом билан тақдирландилар. Яна 20 га яқин иқтидорли созанда II ва III даражали дипломга сазовор бўлди.

III республика конкурси эса 1980 йилда ўтказилди. Бу анжуманга Ўзбекистоннинг барча областлари ўз вакилларини тавсия этдилар. 10 кун давомида 115 нафар иқтидорли чолғувчи йигит ва қизлар ижрочилик санъати бобида мусобақадош бўлдилар. Шулардан 32 нафар созанда иккинчи даврада қатнашиш ҳуқуқини олди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор С. Бобоев раислик қилган жюри ҳайъати фақат биргина созанда — Шоҳид Қорабоев (бас-гижжак)ни конкурс ғолиби сифатида биринчи даражали диплом билан тақдирлади. Ёш даражали диплом А. Тошпўлатов (чанг), Б. Эргашев (рубоб), И. Раҳимов (афғон рубоби), Н. Исҳоқова (дутор), Б. Зиёев (бас-дутор)ларга топширилди. Шунингдек, 8 нафар созанда III даражали диплом билан тақдирланди. Шуни қайд қилиш лозимки, I—II конкурсларда ижрочилар томонидан намойиш этилган ўзига хос изланувчанлик ва маҳорат сирлари III республика конкурсидаги ижрочилар томонидан бир мунча сусайтирилганлиги аниқланди. Созанда Ш. Қорабоевнинг санъати ва ижрочилик маданияти ҳатто II-турда қатнашган тенгдошларининг маҳоратидан сезиларли даражада ёрқин ва шаклланганлиги, шунингдек, мазмундорлиги билан устун келди.

Тошкентда халқ чолғу асбоблари ва баянда ижро этувчи ёш созандаларнинг анъанавий IV республика конкурси ўз ишини бошлади. Ёшларнинг мазкур анжумани Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланади. Конкурснинг республикамиз ҳаётидаги катта тарихий воқеага бағишланишида рамзий маъно бор. Зеро, қадимий тарихга эга бўлган ранг-баранг халқ чолғу асбоблари ва улардаги ижрочилик санъати ривожи халқ хўжалигининг барча тармоқлари тараққиёти билан ҳамоҳангдир. Мазкур конкурснинг аввалгиларидан фарқи шундаки, бунда икки давра ўрнига ижрочилар уч давра мусобақаларида куч синашадилар. Шундан сўнг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Сайфи Жалил раислигидаги жюри ҳайъати ғолибларни аниқлайди.

Р. НЕЪМАТОВ,
М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу асбоблари ижрочилик кафедрасининг доценти.

✦ ФУТБОЛ

ТАКРОРИЙ ЎЙИНДА ДУРАНГ

Яновский, Якимцов, Билолов, Журавлёв, Денисов, Петрушин, Юрчишин, Гесс, Иванов, Шквирин, Амриев. «Қибрай» спорт комплексида Душанбенинг «Помир» командаси билан бўлган такрорий ўртоқлик учрашувида пахтакорчилар ана шу тартибда майдонга тушдилар. Мухлисларга Степан Юрчишиндан ташқари барча ўйинчилар яхши таниш. У пахтакорчилар составига Львовнинг СКА «Карпатн» клубидан қабул қилинган. Мамлакат чемпионатининг биринчи лига командалари ўйинчиларн орасида мавсумда энг кўп тўп киритиб, ном чиқарган.

Шу ўйинда бир йўла уч марта 11 метрлик жарима тўпи белгиланди. Пахтакорчи С. Юрчишин ва А. Петрушин хатога йўл қўйдилар. Меҳмонлар ўйинчиси А. Азизмов эса бу имкониятни бой бермади. Дастлаб пахтакорчилар ҳисобни очишган эди. Ҳужумчи Н. Амриев бошланган комбинацияни моҳирлик билан ниҳоясига етказди.

Учрашув давомида пахтакорчилардан яна беш ўйинчи майдонга тушди. Улар дарвозабон Прохоров, ўйинчилар Салимжонов, Аҳмедов, Волков ва Пельюгинлардир.

Т. АЗЛАРОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● КОММУНИСТИК. Свердлов номли колхозда янги трактор парки ишга туширилди. Унда мавжуд машина ва механизмларни сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● ЯНГИЙЎЛ. «СССР 60 йиллиги» колхозида бунёд этилаётган чорвачилик комплекси таркибидаги молхоналар экинзорларга айлантириш билан бир қаторда янги шахталарни очиш пайтида олиб ташланадиган унумдор тупроқ қатламидан ҳам самарали фойдаланиляпти.

Яқинда бу ердаги шахтёрлар шаҳри — Мост ёнида республикада энг йирик—240 гектарли боғ барпо қилинди. Шуниси қизиқки, бу боғ собиқ шахталар ўрнида пайдо бўлди. 1983 йилнинг ўзида боғдан республика савдо тармоқларига 2700 тонна мева, 550 тонна узум жўнатилди.

Ҳозир Шимолий Чехияда 4500 гектар фойдаланилмай келаётган майдонни экинзорларга айлантириш чоралари кўрилмоқда. Ҳар йили бу область деҳқонлари экин экиш учун яроқли бўлган 300 гектар қўшимча ерга эга бўладилар.

М. КЕММЛЕРОВА,
Орбис (ЧССР) агентлиги мухбири.

● ЧИНОЗ. Район алоқа бўлими қошида очилган устахонада телефон аппаратларн ремонт қилиняпти. Устахона ходимлари буюртмага мувофиқ хонадонларда ҳам бўладилар.

(«Тошкент ҳақиқати» мухбири).

● ОҚҚУРҒОН районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозда жойлашган 13-ўрта мактабда миллий мўзикага ҳавас қўйган ўқувчилар сони анчагина. Улар устозлари М. Назаров раҳбарлигида турли куйларни ўрганадилар. Ёш созандалар тез-тез жойларда бўлиб концертлар ҳам кўрсатишмоқда.

Суратда: миллий музика тўгарагининг навбатдаги машғулотида.

Х. Аввалов фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

СССР Биринчилиги учун «А» классининг Биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

4—5 ФЕВРАЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — САЛАВАТ ЮЛАЕВ НОМИДАГИ СПОРТ КЛУБИ (Уфа)

21—22 ФЕВРАЛДА
«БИНОКОР» (Тошкент) —«АВТОМОБИЛИСТ» (Қараганда)

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, бошқа кунлари эса соат 18.30 да бошланади.

Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилади.

46-03-12, 46-70-31, 46-68-77, 46-07-53 телефонлари орқали справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ТУРИСТ

ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛЛАРИ ВА КАВКАЗНИНГ МИНЕРАЛЬНИЕ ВОДИ РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ МАРОҚЛИ САЁҲАТ ҚИЛИШГА ЧОРЛАЙДИ

АДЛЕР — 12 апрелдан 2 майгача. Баҳоси — 225 сўм.

СОЧИ (ҳусусий сектор) — 13 мартдан 2 апрелгача; 17 мартдан 6 апрелгача. Баҳоси — 225 сўм; 3 апрелдан 23 апрелгача; 7 апрелдан 27 апрелгача. Баҳоси 235 сўм; 24 апрелдан 14 майгача; 28 апрелдан 18 майгача. Баҳоси — 260 сўм.

ГАГРА — 13 февралдан 3 мартгача; 4 мартдан 23 мартгача; 24 мартдан 12 апрелгача; 13 апрелдан 2 майгача. Баҳоси — 225 сўм.

ЖЕЛЕЗНОВОДСК — 26 февралдан 15 мартгача. Баҳоси — 195 сўм.

ЕССЕНТУКИ — 15 февралдан 5 мартгача. Баҳоси — 220 сўм; 28 мартдан 16 апрелгача. Баҳоси — 234 сўм.

КИСЛОВОДСК — 19 февралдан 9 мартгача; 10 мартдан 29 мартгача. Баҳоси — 225 сўм; 31 мартдан 19 апрелгача. Баҳоси — 245 сўм; 21 апрелдан 10 майгача; 12 майдан 31 майгача. Баҳоси — 260 сўм.

Самолётда ана шу шаҳарларга бориш ва қайтиб келиш, овқатланиш яшаш, экскурсия хизмати ҳақи путёвканинг баҳосига киради.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй. Телефон 39-13-59.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мактаб ўқувчиларининг Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла кавалери, «Компрессор» заводининг токари В. А. Лунев билан учрашуви. 10.15 — П. И. Чайковский. Торли оркестр ижроси учун серенада. 10.50 — «Бой, камбағал...». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.15 — Концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — А. Яшин. Асарлари саҳнафаларида. 16.45 — Куба артистларининг концерти. 17.20 — Рус тили. 17.50 — «Подмосковье қишлоқларининг бугунги ва эртанги куни». 18.20 — «Урмон комплекси муаммолари». 18.35 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Сайловлар олдидан». 19.45— «Фан ва турмуш». 20.15 — «Бой, камбағал...». Телевизион бадиий фильм, 4-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Олти соат дарс, бешта танаффус билан». Ўқитувчилик касби ҳақида ҳужжатли фильм. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30—00.35 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15—9.35 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — 10.10— Илмий-оммабоп фильм. 12.05 —12.40 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.15 — «Теберда, қўриқхона жойлари». Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — «Йозеф Гайдин». 16.20 — 16.25 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали композиция. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30— Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 20.55 — Телевизион фильм. 21.30 — «Время». 22.05—00.20 — Бир сафарлик шофёр. Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серийлар.

ЎзТВ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — 12.30 — Телефильмлар. 13.00 — «Светофор». 14.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Чорвачилик—зарбдор фронт. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Ойбек. «Навоий». Кўп серияли видеофильм. 3-серия. 23.15 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.05 — МТ-II. 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — Телефильм. 18.30 — «Ёшлик». Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Музикали телефильм. 21.10 — Телефильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/II да **Шекспир асарлари бўйича балет триптихи**, 4/II да **Майсаранинг иши**, 5/II да **Гўзал Василиса**, (12.00), **Риголетто** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Зайнисо**, 4/II да **Рўё**, 5/II да **Келинлар кўзголони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Занжир**, 4/II да **Ёшликда берган кўнгил**, 5/II да **Хотинимнинг эри**.

ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ

УМИДВОРЛИК

Совет Иттифоқининг президент Рейган ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларнинг агрессив режаларига қарши кўрсатган чоралари тинчлик тарафдорларн ҳаракатига бебаҳо ёрдам кўрсатади, инсоннят тарихида энг хатарли ҳозирги вазиятда уруш оловини ёқувчиларни жиловлашга хизмат қилади.

Раджешвара РАО,
Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг Бош секретари.

Ливанда, кафтдаккина ўлка — Гренадада ўт, Никарагуада, Гватемалада ўт... Америка қуроли ўт пуркамоқда — қон тўкилмоқда, бошпаналар, умид-орзулар вайрон этилмоқда. Америка Қўшма Штатлари Япония билан Жанубий Кореяга, Янги Зеландия билан Покистонга, Қизил денгизу Ўрта Ер денгизи, Кариб ҳавзасига, Ғарбий Европа-ю, Лотин Америкаси мамлакатларига жиндек «телба шамол» билан аланга олиб кетиши эҳтимоли бор «қўр» тўкиб турибди. Гўё бу АҚШнинг «Ҳаётий манфаатлари»дан келиб чиқиб қилинган заруратмиш. Америкача «самимият»нинг сохталиги шу қадар!

Одамзод эса «першинг»лар, «қанотли ракета»лар пеш қилинаётган бугунги кунда эртасига зориқиб-зориқиб кўз тикаётир. Оналарнинг алласида, ошиқларнинг имосида ҳадик, ҳаяжон. Ўқ ёмғири остида қолган ливанлик, фаластинлик араб фаллоҳи, гренадалик, никарагуалик балиқчи сукутда. Ўша Америкада — Вашингтон, Нью-Йорк кўчаларида бир-бировларининг елкаларига елка тутганлар, очликдан ғарангсиб ахлат идишларини титганлар сукутда, Сармояси тугаб битганлар, уруш хавфидан жони халқумига етганлар сукутда...

Рональд Рейган «Европа қирғоқлари — бизнинг қирғоқларимиз, Европа чегаралари — бизнинг чегараларимиз» деб эълон қилди. Бу янги гап эмас. Худди шу мазмунда Америка генерали Жон Першинг 1917 йилда Францияга туширилган ўз қўшинига қарата маъруза қилган эди. Кўриниб турибдики, дунёни афтидан саҳна деб билган президент ҳукуматининг амалий ишларга, чинакамига музокара юритишга тайёрлигини муносиб равишда маъқуллаб кутиб олади, деб ўқтирди.

Жаҳон афкор оммасининг умидлари алданмайди, алданмаслиги керак. Буюк Советлар Ватани, унинг изчил тинчликсевар сиёсати бунинг кафолатидир.

Турсун ИБРОҲИМОВ.

Қуёшга тиғ кўтариб бўлмайди. Қуёшга кўтарилган тиғнинг ўзи оҳир оқибат адо бўлади.

«Америка раҳбарлари биз билан музокараларни кучли пеш қилиш, дўқ-пўписа ва тазйиқ позициясида туриб олиб бориш ниятларидан воз кечмаганликларини ҳамма нарса кўрсатиб турибди. Биз бундай ёндошувни қатъиян рад этамиз. Қолаверса, умуман бизга нисбатан «зўравонлик дипломатияси»ни олиб борш йўлидаги уринишлар истиқболсиз ишдир».

Партиямиз, давлатимиз раҳбари Юрий Владимирович Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблариданги бу адолатли, қатъий сўзлар океан ортидагиларни кучга маҳлиё бўлиш ва баландпарвоз сўзлардан амалий ишларга ўтишга даъват этади. Айни пайтда ўртоқ Ю. В. Андропов бутун совет халқи фикрини баён этиб, СССР Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг амалий ишларга, чинакамига музокара юритишга тайёрлигини муносиб равишда маъқуллаб кутиб олади, деб ўқтирди.

Жаҳон афкор оммасининг умидлари алданмайди, алданмаслиги керак. Буюк Советлар Ватани, унинг изчил тинчликсевар сиёсати бунинг кафолатидир.

Турсун ИБРОҲИМОВ.

ДУСТЛАРИМИЗ ТАЖРИБАСИДАН

ШАХТА ЎРНИДА БОҒ

Аҳоли зич жойлашган, саноати тараққий этган Чехословакияда экинзорлар етти миллион гектардан ҳам кўпроқни ташкил этади. Жон бошига тўғри келадиган экинзорлар (0,44 гектар) бўйича ЧССР Европада энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди.

Мамлакатда янги-янги шаҳар ва посёлкалар, электр станциялари қурилмоқда. Фақат Чехиянинг ўзида 1966 йилдан 1979 йилгача 120 минг гектар экин майдонини бу қурилишларга ажратиб беришга тўғри келди. Ана шундай шароитда 1981 йилда ЧССР ҳукумати ер тўғрисида янги қонун қабул қилди. Унга кўра қурилиш ташкилотлари қурилишларга ажратилган ҳар гектар ер ҳисобига аввал фойдаланилмай келинган майдонлардан 1 гектарни экин экиш учун яроқли ҳолатга келтириб беришлари керак. Бундан ташқари юқори унумли ерларда ҳар қандай қурилиш қилиш ман этилади.

...Шимолий Чехиянинг тошкўмирга бой конлари. Бу ерда йилига 70 миллион тоннадан кўп кўмир қазиб олинади. Кейинги ўн йил ичида бу ерда саноат ва турар-жой қурилиши учун 30 минг гектардан кўпроқ ер ажратиб беришга тўғри келди. Айни пайтда бу ерда кўмир қазиб олиб бўлинган шахталарни яна унумдор ерларга, боғ-роғларга айлантириш чоралари кўриляпти. Шу мақсадга ҳозир 185 миллион крон сарфланмоқда.

Шахтёрлар 2000 гектардан кўпроқ ерни экин экишга яроқли ҳолга келтириб деҳқонларга бердилар.

Шимолий Чехияда эски конларни экинзорларга айлантириш билан бир қаторда янги шахталарни очиш пайтида олиб ташланадиган унумдор тупроқ қатламидан ҳам самарали фойдаланиляпти.

Яқинда бу ердаги шахтёрлар шаҳри — Мост ёнида республикада энг йирик—240 гектарли боғ барпо қилинди. Шуниси қизиқки, бу боғ собиқ шахталар ўрнида пайдо бўлди. 1983 йилнинг ўзида боғдан республика савдо тармоқларига 2700 тонна мева, 550 тонна узум жўнатилди.

Ҳозир Шимолий Чехияда 4500 гектар фойдаланилмай келаётган майдонни экинзорларга айлантириш чоралари кўрилмоқда. Ҳар йили бу область деҳқонлари экин экиш учун яроқли бўлган 300 гектар қўшимча ерга эга бўладилар.

М. КЕММЛЕРОВА,
Орбис (ЧССР) агентлиги мухбири.

В. ЕНИН,
АПН махсус мухбири.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

БИРИНЧИ ЗАРБА БЕРИШ ҚУРОЛИ

Маълумки, ҳозирги пайтда ГФР, Англия ва Италияда Американинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталари жойлаштирила бошланди. Улар қандай хусусиятга эга ва нима учун биринчи зарба бериш қуроли, деб аталмоқда?

М. РИХСИЕВ,
Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Чет эл матбуотида келтирилган маълумотларга кўра, «Першинг-2» ўртача олисликка учириладиган баллистик ракета бўлиб, АҚШнинг Европадаги қўшинлари ҳамда ГФР ҳарбий ҳаво кучлари составида бунгача бўлган «Першинг-IA» оператив-тактик ракеталаридан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилади. У янги ядро қалпоқчасига, мўлжалга олиш системасига ва қаттиқ жисмли ёқилғи билан ишловчи иккита двигателга эгадир. Ракета 2500 километр массфага уча олади. «Першинг-2» Ғарбий Европадан учирилган тақдирда СССР территориясидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларга беш олти минут ичида учиб боради. Ракета мўлжалга роят аниқ (35-40 метр радиусда) тегади.

Қанотли ракеталар самолётларда ва ерда жойлаштирилиши мумкин бўлиб, улар 2500 километр массфага учади ва 200 килотонна ядровий қувватга эгадир. Қанотли ракеталарда махсус электрон қурилмалари ўрнатилганлиги туфайли улар ердан 50-60 метр баландликда, табиий тўсиқларни четлаб, товуш тезлигида уча олади. Шунинг учун уларни амалда ерда жойлаштирилган радар қурилмалари билан пайқаш имконияти йўқ ҳисоб.

Ғарбий Европа халқлари аксарият кўпчилигининг хоҳиш-иродаси билан ҳиссоблашмай, ақл-идрок овозига қулоқ солмай «Першинг»лар ва қанотли ракеталарни ГФР, Англия ва Италияда жойлаштираётганлар жамоатчиликни чалғитиш мақсадида бу оммавий қирғин қуролларини гўё мудофаа воситаси деб ишонтиришга уриниб кўрдилар. Аслида эса улар олисликка учиши, мўлжални аниқ олиши, тезлиги ва ядровий қуввати билан биринчи зарба бериш қуроли ҳисобланади. Ҳарбий мутахассислар ҳам худди ана шу фикрни билдирмоқдалар.

УҚИНГ—ТАҚҚОСЛАНГ

УМУМХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлар орасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Каромат Ҳакимовна Еқуббоева ҳам бор. Унинг таржимаи ҳоли кўпгина тенгдошларинки сингари оддийдир. Ҳунар-техника билим юртини тугаллагандан сўнг ўн тўрт йилдан бери тўқувчилик қилиб келмоқда. Фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги, жамоат ишларида активлиги туфайли у халқимизнинг шундай юксак ишончига сазовор бўлди.

Ҳозир давлатимиз олий органига депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлар ўртасида оддий ишчилар, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари вакиллари номларини ўқиймиз. Бу табиийдир. СССР Конституциясида мамлакатимиз умумхалқ давлати деб айтилган. Совет Иттифоқида бутун ҳокимият халқникидир. Мамлакатни ҳам халқ бошқаради. Буни қуйидаги мисоллар яққол исботлаб турипти.

СССР Олий Совети икки палатадан — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат. СССР Конституциясига биноан давлат олий органи палаталарига бир хил миқдорда — 750 тадан жами 1500 депутат сайланади. 1979 йил мартида бўлиб ўтган ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайловларда халқимизнинг юксак ишончига сазовор бўлган депутатларнинг 522 таси ишчилар ва 244 таси колхозчилардир. Улар СССР Олий Совети жами депутатларининг ярмидан кўпроғини — 51,1 процентини ташкил этади. Иккала палатага 487 хотин-қиз (жами депутатларнинг 32,5 проценти) сайланган.

МИЛЛИОНЛАРГА СОТИБ ОЛИНГАН ОВОЗЛАР

1982 йилги сайловларда демократик партия вакили Ф. Лоутенберг Нью-Жерси штатидан АҚШ сенатига сайланди. Кейинчалик сенатор штат сайловчилари овозини сотиб олиш учун 5 миллион доллар сарфлагани маълум бўлди. Унинг бунга қурби етарди. Ф. Лоутенберг йилига 600 миллион доллар даромад келтираётган «Отомэтик дейта процессинг» компанияси правлениесининг раиси эди.

Калифорниялик республика партиясининг вакили П. Унлсон эса сенатор бўлиш учун 7 миллионга яқин доллар сарфлади. Техаслик Л. Бентсен, минисоталик Д. Дюренбергер, юталик О. Хэтч, индианалик Р. Лугар, огайолик Г. Метценбоумга ҳам сенатга сайланиш 2,5 миллиондан 5 миллион долларгача тушди. Умуман, сенатор бўлишга ахд қилганлар сайловларда ютиб чиқиш учун камида бир миллион доллардан кўпроқ пул сарфлашлари керак.

Ўз-ўзидан маълумки, оддий америкаликларнинг АҚШ олий органига сайланиш учун бу миқдорда пул сарфлашларига мутлақо имкониятлари йўқ. Шу сабабли сенат ва конгресснинг вакиллар палатаси мамлакат аҳолиси составига асло мос келмаслигига тааҳжжубланмаса бўлади. Масалан, хотин-қизлар Америка сайловчиларининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бироқ, вакиллар палатасининг 435 аъзосидан фақат 21 таси аёллардир. Мамлакат аҳолисининг салкам 12 процентини қора танлилар ташкил этгани ҳолда вакиллар палатасига улардан 21 киши (жами аъзоларнинг 5 процентидан ҳам кам) аъзодир. Сенатда эса умуман қора танлилар йўқ. Аксинча, вакиллар палатаси аъзоларидан 15 таси миллионердир.

Америка матбуотининг ўзи сенатни «миллионерлар уюшмаси» деб атайди. Журналистларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда ҳар тўрт сенатордан биттаси миллионердир.

Миллионлаб долларлар эвазига сайловчилар овозларини сотиб олган бу сенатор ва конгрессменлар кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари маълум, албатта. Улар йирик монополиялар, ҳарбий-саноат комплексларининг вакилларидир ва шуларнинг кўрсатмалари асосида иш юритадилар. Сенатсрликни пулга сотиб олгандан кейин сайловдаги чиқимларни оддий меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириш ҳисобига қоплаш, қўшимча фойда олиш керак-да!

● Япония ҳукуматининг давлат маблағларини «қатъий тежаш» сиёсати биринчи навбатда социал эҳтиёжлар учун сарф-ҳаражатларни қисқартиришга қаратилгандир. Бу сиёсат оқибатида кекса кишиларнинг пенсиялари қисқартирилмоқда. Утган йили қарияларга имтиёзли медицина хизмати кўрсатиш бекор қилинди. «Сякай симпо» газетасидан олинган ушбу суратда Токиода истиқомат қилувчи кекса кишиларнинг ҳукуматнинг ўша сиёсатига қарши норозилик намойиши тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

07055 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1535. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12